

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2024 йил ноябрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Бўстон туман суди, Бўстон тумани ИИБ биносида орқали, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи – туман судининг раиси К.Шахобутдинов, судья ёрдамчиси М.Рахимов котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўстон туман прокурори ёрдамчиси Ж.Орифжонов, судланувчи С.Жабборов ва унинг ҳимоячиси М.Абдуллаевлар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган Жабборов Сайдулло Турдалиевичга оид 1-1704-2401/184-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра,

Жабборов Сайдулло Турдалиевич (Jabborov Saydullo Turdaliyevich), 1974 йил 27 сентябрь куни Балиқчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, нафақада, оилали, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, Балиқчи туман, Қахрамон МФЙ, Холис кўчаси, 42-уйда яшайди, иш бўйича шахсий кафилик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 28 сентябрь куни олган.

Суд судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи С.Жабборов 2024 йил 11 сентябрь куни соат 12:05 ларда ДХХ Балиқчи туман бўлинмаси, Бўстон туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган “Қорадори-2024” тезкор тадбири давомида Балиқчи туман, Қахрамон МФЙ, Холис кўчаси, 42-уйда жойлашган яшаш хонадонидан кўздан кечирилганда, турар жойи кириш эшигидан чап томондаги қурилиши тугалланмаган бино олдидаги зинапоядан 3 дона қоғоз бўлагига ўралган, тандир-ўчоқ олдидан 1 дона қоғоз бўлагига ўралган сигарет кутиси ва банка ичидан таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи, кўп миқдорни ташкил этган соф оғирлиги 1.989,75 грамм “Марихуана” гиёҳванд моддасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, Судланувчи С.Жабборов 2024 йил 11 сентябрь куни соат 12:05 ларда ДХХ Балиқчи туман бўлинмаси, Бўстон туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган “Қорадори-2024” тезкор тадбири давомида Балиқчи туман, Қахрамон МФЙ, Холис кўчаси, 42-уйда жойлашган яшаш хонадонининг 2 сотихдан иборат бўлган томорка майдонидан мевали ва маданий экинлар орасида тақиқланган экинларни, яъни таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи 9 туп каннабис наша ўсимликларини қонунга ҳилоф равишда экиб ва парвариш қилиб келаётгани аниқланган.



Судланувчи С.Жабборов судда айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, 1997 йил сентябрь ойида кўлидан жароҳат олганидан бери наша гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб келишини, 2024 йил 6 сентябрь куни Балиқчи туман, Қахрамон МФЙ ҳудудида жойлашган дала майдонида туташ ариқ четидан ўзи истеъмол қилишлиги бир неча туп ёввойи наша ўсимликларини юлиб олиб, пояларини ариқ ичига улоқтириб, баргларини қора целлофан пакетга солгани ҳолда турар жойига олиб келганини, сўнг эса уларни қуритишлик учун барчасини турар жойи том қисмига жойлаштирганини, 2024 йил 9 сентябрь куни ушбу наша ўсимликларидан 1 дона 0,5 литр ҳажмли елим идишни (баклашка) оғиз қисмида фольга билан чекиш мослама ясаганини, сўнг қуритилган наша гиёҳвандлик моддасини турар жойи қурилиши тугалланмаган биноси ичида жами 3 маротаба чекканини, ушбу гиёҳвандлик моддаси шираси йўқлиги сабабли ҳам турар жойи зинапоёсида 3 бўлак қоғоз парчасида 1 дона 0,5 литр ҳажмли елим идиш билан биргаликда қолиб кетганини, 2024 йил 11 сентябрь куни соат 11:00 ларда Балиқчи тумани ИИБ ходимлари яшаш хонадонига келиб ўзларини таништириб турар жойида гиёҳванд моддалар бўлса ўз ихтиёри билан тақдим этишини сўраганини, ўз хоҳиши билан туман ИИБ ходимлари ва процесс иштирокчиларини турар жойига киришларига рухсат берганини, сўнг эса ходимлар процесс иштирокчилари ва 2 нафар холислар билан турар жойига кириб, кўздан кечириш жараёнини амалга оширишликка киришганини, кўздан кечириш жараёнида турар жойи кириш эшигидан чап томондаги қурилиши тугалланмаган бино олдида чекиш учун мосланган 2 дона елим идишлар, ушбу елим идишлардан тахминан 5 метрлар масофа узокликда жами 16 дона елим идишлар борлиги аниқланиб жами 18 дона елим идишлар 1-сонли пакетга солиб муҳрланганини, шунингдек турар жойи кириш эшигидан чап томондаги қурилиши тугалланмаган бино олдида жойлашган зинапоёда 3 бўлак қоғоз парчасида, тандир-ўчоқ ёнида эса 1 бўлак қоғоз парчасида, сигарет қутиси ва банкада қуруқ ҳолдаги, ўткир хидли, нашасимон моддани борлигини аниқланиб, 2-сонли пакетга солиб муҳрланганини, бундан ташқари кўздан кечириш вақтида турар жойим том қисмида қуруқ ҳолдаги, ўткир хидли, нашасимон модда борлигини аниқланиб, 3-сонли пакетга солиб муҳрланганини, уйининг томорқаси кўздан кечирилган вақтда томорқамда мавжуд ер майдони шудгорига маккажўхори, картошка, помидор, ошқовоқ ва шу каби экинлар экилганлиги, шунингдек, шудгор четки қисмида эса ўткир хидли нашасимон ўсимликлар ўсганлиги, ушбу нашасимон ўсимликларнинг таги чопилганлиги, ушбу нашасимон ўсимликлар 60 смдан 130 смгача ўсган ҳолатда эканлиги, парвариш қилинганлиги аниқланганини, шу ҳолат бўйича мутахассис агроном ҳам ўзининг хулосани берганини, кейин нашасимон ўсимликлар олдида юлиб саналганида жами 9 туп эканлиги аниқланиб 4-сонли пакетга солиб муҳрланганини, кейин ИИБ ходимларига ундан аниқланган тақиқланган моддаларни қаердан олганлиги ва томорқа майдонида нима сабабдан етиштирганини сўраганида, ушбу ўткир хидли, кўкимтир тусли нашасимон моддаларни Балиқчи тумани, Қахрамон МФЙ ҳудудида жойлашган “арик”



бўйидан юлиб олганлиги, тақиқланган ўсимлик таналарини “арик” ичига ташлаб оққизиб юборганлиги, тақиқланган ўсимлик баргларини эса ўзи истеъмол қилишлик мақсадида турар жойида сақлаб келганлигини маълум қилганини, кейин Балиқчи тумани ИИБ хизмат биносида мутахассис томонидан нашасимон модда махсус электрон тарозида тортилганида 15.75 грамм эканлиги аниқлангани, сўнг эса 3-сонли пакет муҳрлари очилиб, қурук ҳолдаги, ўткир хидли, нашасимон модда махсус электрон тарозида тортилганида 1974 грамм эканлиги аниқланиб қайта 2-сонли пакетга солиб муҳрланганини, туман ИИБ ходимлари наша гиёҳвандлик моддалари ва 18 дона елим идишларни олиб тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, бошқа бу каби ҳолатлар такрорланмаслиги, суддан енгиллик беришни сўрашини билдириб, кўрсатув берди.



Гувоҳ Л.Мамажонов судда, 2024 йил 11 сентябрь куни соат 12:00 ларда Балиқчи тумани, Қахрамон МФЙ худудида ўтиб кетаётган вақтида ИИБ ходимлари ундан холис сифатида қатнашиб беришини илтимос қилганида рози бўлганини, Балиқчи тумани, Қахрамон МФЙ, Холис кўчаси 42-уйда жойлашган С.Жабборовни яшаш хонадонига ИИБ ходимлар ва бир бошқа холис билан бирга келишганини, ИИБ ходимлари кўздан кечириш жараёнида С.Жабборов уйни кириш эшигидан чап томондаги қурилиши тугалланмаган бино олдида чекиш учун мосланган 2 дона елим идишлар, ушбу елим идишлардан тахминан 5 метрлар масофа узоқликда жами 16 дона елим идишлар борлиги аниқланиб 1-сонли пакетга солиб муҳрлашганини, уйни кириш эшигидан чап томондаги қурилиши тугалланмаган бино олдида жойлашган зинапояда 3 бўлак қоғоз парчасида, тандир-ўчоқ ёнида эса 1 бўлак қоғоз парчасида, сигарет қутиси ва банкада қуруқ ҳолдаги, ўткир ҳидли, нашасимон моддани борлигини аниқланиб 2-сонли пакетга солиб муҳрланганини, бундан ташқари кўздан кечириш вақтида уйнинг том қисмида қуруқ ҳолдаги ўткир ҳидли, нашасимон моддани борлигини аниқланиб 3-сонли пакетга солиб муҳрлагани, бундан ташқари С.Жабборов уй томорқаси кўздан кечирилган вақтда томорқада мавжуд ер майдони шудгорига маккажўхори, картошка, помидор, ошқовоқ ва шу каби экинлар экиланлиги, шунингдек шудгор четки қисмида эса ҳидли нашасимон ўсимликлар ўсганлиги, ушбу нашасимон ўсимликларнинг таги чопилганлиги, ушбу нашасимон ўсимликлар 60 смдан 130 смгача ҳолатда эканлиги, фақатгина юлиб ташланмаганлиги аниқланганини, шу ҳолат бўйича мутахассис агроном ҳам ўзининг хулосасини берганини, кейин нашасимон ўсимликлари олдида юлиб саналганида жами 9 туп эканлиги аниқланиб 4-сонли пакетга солиб муҳрлашганини, сўнг ИИБ ходимлари С.Жабборовдан тақиқланган моддаларни қаердан олганлиги ва томорқа майдонида нима сабабдан етиштирганлигини сўраганида, С.Жабборов ушбу ўткир ҳидли, кўкимтир тусли нашасимон моддаларни Балиқчи тумани, Қахрамон МФЙ худудида жойлашган “ариқ” бўйидан юлиб олганлиги, тақиқланган ўсимлик таналарини “ариқ” ичига ташлаб оққизиб юборганлиги, тақиқланган ўсимлик баргларини эса ўзи истеъмол қилиш мақсадида турар жойида сақлаб келганлигини маълум қилганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Д.Хайдаровнинг тергов даврида берган кўрсатуви ўқиб эшиттирилган кўрсатуви, судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Л.Мамажонов кўрсатувиға ўхшаша кўрсатув берган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомила қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисидаги» 12-сонли қарорининг бандида «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эгаллик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасдан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. Бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмайди» деб кўрсатилган, 17-бандида “восита ва моддалар турини (гиёҳвандлик, психотроп) уларнинг миқдори, номланиши ва хусусиятлари, келиб чиқиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш услубини, шунингдек, ўсимликнинг гиёҳвандлик моддаси таркибида мавжуд экинга тааллуқлилигини аниқлаш учун махсус билим талаб этилишини инобатга олиб, ҳар бир иш бўйича эксперт ёки мутахассисларнинг тегишли хулосалари олиниши шарт” деб, 18-бандида “гиёҳвандлик воситаси, психотроп муайян миқдорга мансублиги ҳал этиш суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суднинг ваколатига тегишли бўлиб, улар бунда наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг “Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорларининг тасдиқлаш тўғрисида”ги 2016 йил 22 мартдаги 13/16-сонли қарорига илова кўрсатилган миқдорларда амал қилишлари зарур” деб кўрсатилган.

Андижон вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлимининг 2024 йил 12 сентябрдаги суд-кимёвий экспертиза хулосасини С.Жабборовдан олинган гиёҳванд модданинг соф оғирлиги 1989,75 грамм ташкил қилишини, бу Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг “Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорларининг тасдиқлаш тўғрисида”ги 2016 йил 22 мартдаги 13/16-сонли қарорига иловасига асосан кўп миқдорни ташкил қилади.

Андижон вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлимининг 2024 йил 12 сентябрдаги суд-кимёвий экспертиза хулосасини С.Жабборовдан олинган 4-paketга солинган 9 туп ўсимликлар ўз таркибида фаол гиёҳванд модда-тетрагидроканнабинол моддасини сақлаб, конопля (каннабис ёки наша) ўсимлиги деб номланиши, гиёҳванд моддалар сақловчи ўсимликлар туруга кириши аниқланган.



Суд давлат айбловчисининг фикрини, С.Жабборовни кўрсатувини ва унинг ҳимоячисини фикрини, гувоҳларни кўрсатувини тинглаб, С.Жабборовни айби гувоҳларни кўрсатувлари, билдиргилар, кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш ҳақида баённома, ашёвий далил тарикасида олинган моддани соф вазнини аниқлаш юзасидан баённома, суд-кимёвий экспертиза хулосаси, суд-наркология экспертизаси хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Суд, судланувчи С.Жабборовни жиноий ҳаракати квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 01-сонли Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши, 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақидаги раҳбарий кўрсатмалар берилган.



Суд, судланувчи С.Жабборовга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, айбига иқро ва қилмишидан пушаймонлигини, бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, ўзи 3-гурух ногирони эканлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиш билан бир қаторда, жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, уни шахсини ва хулқини эътиборга олиб, қилмишидан пушаймонлигини жазони жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашни имкони бор деб ҳисоблаб, унга нисбатан у айбланаётган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлган жазо тайинлашни, ЖК 59-моддасига асосан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ҳамда жазодан бўйин товланишини ва бошқа жиноятлар содир этишини олдини олиш мақсадида жазони ўташ муддати давомида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча таъқиқлар белгилашни лозим топади.

Юқоридаги Пленумнинг қарорининг 32-бандининг 2-қисмига мувофиқ «ЖК 96-моддасига мувофиқ гиёҳвандлик ва заҳарвандликдан мажбурий даволаш нафақат озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан, балки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ҳолларда ҳам тайинланиши мумкин» деб кўрсатилган раҳбарий кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда, Андижон вилоят наркология диспансери суд наркология экспертизасининг 2024 йил 16 сентябрь кунги 567-сонли хулосасига кўра, С.Жабборов ташхис: каннабиноидларга тобелик синдроми 1-босқичда эканлиги, бироқ наркологик касалликка чалинмаганлиги ва мажбурий даволашга мухтож эмаслиги кўрсатилганлигини назарда тутиб, ЖКнинг 96-моддаси тартибида, унга нисбатан жазони ўташ давомида гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чоралари қўлламасликни лозим топади.

Шунингдек, ЖПКнинг 211-моддаси тартибида ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган жами 1.989,75 грамм марихуана гиёҳвандлик моддасидан, эксперт текширувида сарфланган 0,1 граммдан ташқари 1.989,65 грамм марихуана гиёҳвандлик моддасини тегишли тартибда йўқ қилишни;

Ашёвий далил деб эътироф этилган 18 дона елим идишлар (баклашка) тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд,-

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Жабборов Сайдулло Турдалиевич (Jabborov Saydullo Turdaliyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми, 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



Судланувчи Жабборов Сайдулло Турдалиевич (Jabborov Saydullo Turdaliyevich)га Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Балиқчи тумани, Қахрамон МФЙ, Холис кўчаси, 42-уйдан чиқишини чеклашдан иборат яшаш жойини у ёки бу сабаб билан уй жойини бутунлай чиқишни чеклашдан иборат бўлган 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Жабборов Сайдулло Турдалиевич (Jabborov Saydullo Turdaliyevich)га Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Балиқчи тумани, Қахрамон МФЙ, Холис кўчаси, 42-уйдан чиқишини чеклашдан иборат яшаш жойини у ёки бу сабаб билан уй жойини бутунлай чиқишни чеклашдан иборат бўлган 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан С.Жаббаровга узил-кесил иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Балиқчи тумани, Қахрамон МФЙ, Холис кўчаси, 42-уйдан чиқишини чеклашдан иборат яшаш жойини у ёки бу сабаб билан уй жойини бутунлай чиқишни чеклашдан иборат бўлган 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш жазоси Балиқчи туман, Қахрамон МФЙ, Холис кўчаси, 42-уйда жойлашган яшаш уйида ўташ белгилансин.

Жабборов Сайдулло Турдалиевич (Jabborov Saydullo Turdaliyevich)га Балиқчи тумани ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чикмаслик каби кўшимча тақиқ (чеклов)лар, шунингдек даволаниш ёки бошқа зарурият туфайли яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақида Балиқчи тумани ИИБга дарҳол маълум қилишлик мажбурияти юклансин.

Жабборов Сайдулло Турдалиевич (Jabborov Saydullo Turdaliyevich)га жазони ўташдан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликдан чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижро этиш Балиқчи туман ИИБ пробация бўлими зиммасига юклатилсин, жазо ўташ муддати ҳукм белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

С.Жаббаровга нисбатан қўлланилган шахсий кафилик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган жами 1,989,75 грамм марихуана гиёҳвандлик моддасидан, эксперт текширувида сарфланган 0,1 грамдан ташқари 1,989,65 грамм марихуана гиёҳвандлик моддасини тегишли тартибда йўқ қилинсин.



Ашёвий далил деб эътироф этилган 18 дона елим идишлар (баклашка) тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига шикоят бериши, прокурор эса протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

К.Шахобутдинов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,

**Жиноят ишлари бўйича
Бўстон туман судининг
раиси**

К.Шахобутдинов

Маъсул судья: Шахобутдинов Камолдин Садирдинович

